

НЕВРОЗСИМОН БУЗИЛИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ КОРОНАВИРУСДА

Назаров А.И.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш.

Психиатрия, наркология ва тиббий психология кафедраси

Резюме. Текширувга коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан касаллангандан сўнг руҳий бузилишлар кузатилганлиги сабабли психиатрга мурожаат қилган 62 нафар bemор олиниб, уларда психопатологик бузилишларнинг даражаси, учраш частотаси, ўзига хос хусусиятлари ўрганилди ва уларни даволаш усууллари таклиф этилди. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан касаллангандан сўнг bemорларда соматик ўзгаришлар билан параллел равища руҳий жараёнларда ҳам ўзгаришлар кузатилди ва руҳиятдаги бузилишларнинг яшаш сифатига таъсири ўрганилди. Олиб борилган комплекс даво чоралари натижасида bemорларнинг соматик ҳолати яхшиланиб, яшаш сифати ва хаётга ижтимоий мослашуви мустаҳкамланди.

Калит сўзлар: коронавирус инфекцияси, руҳий бузилишлар, даволаш

Аннотация. В исследование были включены 62 пациента, которые были направлены к психиатру по поводу психических расстройств после коронавирусной инфекции (COVID-19). Изучен уровень психопатологических расстройств, частота встречаемости, специфические особенности и предложены методы их лечения. После заражения коронавирусной инфекцией (COVID-19) также параллельно с соматическими изменениями у пациентов наблюдались изменения в психических сферах и было изучено влияние психических расстройств на качество жизни. В результате принятых мер улучшилась соматический статус, качества жизни и социальная адаптация больных.

Ключевые слова: коронавирусная инфекция, психические расстройства, лечение

Resume Restart the study involved 62 patients referred to a psychiatrist for psychiatric illness after coronavirus infection (COVID-19). The degree of psychopathological disorders, the frequency of occurrence, features were studied, and methods of their treatment were proposed. In patients with coronavirus infection (COVID-19), changes in mental processes occurred in parallel with somatic changes. We studied the influence of mental disorders on the quality of life of patients. As a result of complex treatment measures, the somatic condition of patients has improved and their social adaptation to life has been strengthened.

Key words: coronavirus infection, mental disorders, treatment

Долзарбилиги. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига психологик ва иқтисодий таъсир кўрсатаётганлиги билан ҳали ҳам бутун дунё ахолисининг диққат марказида қолмоқда [1,5,9]. Касаллик ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга таъсир этувчи психологик стресс хисобланиб, COVID-19 пандемияси туфайли аҳолининг руҳий саломатлигига ҳам салбий таъсирлар, хавф ҳисси, ноаниқлик, ўз ҳаётларини назорат қила олмаслик каби ҳолатлар келиб чиқди. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан касалланган инсонларда ва уларнинг оила аъзоларида кескинлик, ташвиш ва тушкун кайфиятнинг ошганлигини ҳақида таъкидланган [3,6,7]. Коронавирус инфекциясидан даволанаётган bemorlarда ташвиш, депрессия, депрессив хатти-ҳаракатлар, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар ва баёнотлар, қадрсизланиб қолиш ҳисси ғоялари, вахима хуружлари, оғриқ ҳисси, таҳдид ҳис этиш, обсессив хатти-ҳаракатлар қайд этилган [9,10]. Мосолов С.Н. (2020) маълумотларига кўра COVID-19 билан оғриган bemorlarning 50% депрессия, 55% хавотирланиш ва 70% психосоматик симптоматика кузатилган [2,4,5]. Пандемия даврида ёшлиар ўртасида спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларнинг ўсиши қайд этилган [8]. Шу сабабли ҳозирги кунда ҳам бу касаллик руҳий ҳолатга қай даражада таъсир қилиши, уни даволаш қайси дори воситалар билан амалга оширилиши долзарб муаммо ҳисобланади.

Текширувнинг мақсади ва вазифалар. Коронавирус билан касалланган беморларда руҳий бузилишларнинг учраши ва частотасини аниқлаш ҳамда психиатрик ёрдам кўрсатиш тамойилларини белгилаш.

Материаллар ва усуллар. Текширувимизга коронавирус инфекцияси (COVID-19) ўтказгандан кейин руҳий ҳолатида ўзгариш бўлиб диспансерга мурожаат қилган ва амбулатор шароитда даволанган 32 нафар эркак ва 30 нафар аёл bemор ўрганилди. Беморларнинг ўртача ёши $52,6 \pm 16,4$ йилни ташкил етди. Беморларни ташҳислашда клинико-психопатологик усуллар билан ўрганилди ва касалликларни халқаро таснифи (КХТ-10) қўлланилди. Янги коронавирус инфекциясига (COVID-19) ташхисини қўйиши ва даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вақтинчалик методик ишланмаси бўйича амалга оширилди. Беморлардаги хавотирланиш даражаси Дж.Тейлор сўровномаси, депрессив ҳолат Гамильтон тести, яшаш сифатини кўрсаткичлари SF-36 тести орқали баҳоланди. Даволашда ноотроплар, антидепрессив воситалар ва анксиолитиклар тавсия қилиниб, кўрсаткичлар статистик ишлов берилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Коронавирус инфекцияси билан касалланган bemорларга малакали психиатрик ёрдами кўрсатиш мақсадида диспансернинг тажрибали врач-психиатрлари ва Бухоро давлат тиббиёт институти Психиатрия, наркология ва тиббий психология кафедраси профессор-ўқитувчилари bemорларга маслаҳат бердилар. Мурожаат қилган bemорларнинг тахминан 35% да чегарадош руҳий бузилишлар кузатилаётганлиги аниқланди. Улар сезги бузилиши яъни ҳид ва таъм сезмаслик, хавотирланиш, қўрқув ҳисси, уйқусизлик, тушкунлик, соғлигидан кўп қайғуриш, жаҳлдорлик, ҳаётдан совиб қолиш, шижаот пасайиши, ўзини оғир ҳис қилиш, тормозланганлик, қизиқиш доирасининг торайиши каби неврозсимон поғонадаги бузилишлардан шикоят қилди. Беморларда енгил даражадаги неврозсимон бузилишлар 25 нафар 45,1%, ўрта оғирлик даражадаги руҳий бузилишлар 19 нафар 32,0% ва оғир даражадаги руҳий бузилишлар 18 нафар 22,9% bemорларда кузатилди.

1-жадвал

COVID-19 ўтказган bemорларда рухий бузилишларнинг учраши

Рухий бузилишлар	Учраш частотаси	%
Хавотирланиш	49	79,0
Тушқунлик	35	56,5
Кўркув хисси	39	62,9
Уйқусизлик	36	58,1
Соғлигидан кўп қайгуриш	38	61,3
Жаҳлдорлик	37	59,7
Ўлим ҳақидаги фикрлар	29	46,8
Шижаат пасайиши	28	45,2
Ўзини оғир ҳис қилиш	26	41,9
Тормозланганлик	35	56,5
Қизиқиши доирасининг торайиши	27	43,5
Хотира пасайиши	29	46,8

1-жадвалдан кўриниб турибдики, мурожаат қилган bemорларнинг 50% дан ортиғида хавотирланиш, кўркув хисси, уйқусизлик, соғлигидан кўп қайгуриш ва тормозланганлик кузатилди. Тушқунлик ҳолати 48,3% bemорларда учраб унинг мураккаб турлари ўз-ўзини айлаш, ҳар хил нотўғри уйлов фикрлар кузатилиши билан кечди. Хотира пасайиши 38,5% bemорда кузатилиб, у диққатнинг тарқоқлиги, англаш даражасининг пасайиши ва касбий фаолиятидаги ноқулайликларни ҳис қилиши билан намоён бўлди. Уйку бузилиши билан бўлган муаммоларни ҳал қилиш психиатр-врачга мурожаат қилишга сабаб бўлганлигини 28 (45,1%) bemорлар таъкидлаб ўтдилар. Уйқусизликда кейинги кунда bemорларда ланжлик, мудроқ босиб тетиклик хиссининг камайиши, таъсирчанликнинг ошиши, ўзини оғир ҳис қилиш каби бузилишлар кузатилган. 62 нафар bemорлардаги хавотирланиш даражаси Дж.Тейлор бўйича баҳоланиб,

уларнинг 22 (35,5%) нафарида енгил хавотирланиш, 31 (50,0%) нафарида кучайиш эҳтимоллиги юқори бўлган ўрта даражадаги хавотирланиш ва 19 (30,6%) нафарида яққол ифодаланган хавотирланиш белгилари аниқланди. Беморлардаги хавотирли-фобик бузилишлар даволашнинг 10-15 кунига келиб, камайиб, динамикада яхшиланганлиги сабаб эмоционал ҳолат нормаллашуви даражаси статистик ишонарли ($p<0,01$) бўлди.

Беморларда апатия даражаси баҳолангандаги уларнинг 24 (38,7%) да нигоҳининг сустлиги, ҳиссий қашшоқлашиш, шижоат сустлиги, қизиқиш пасайиши ўзига етарлича эътибор бермаслик, келажакдаги режалар йўқлиги каби апатиянинг белгилари кузатилди.

Ҳиссий ҳолат Гамильтон тести орқали баҳолангандаги 32 нафар (51,6%) bemорда депрессия аниқланди. Улардан енгил даражада ифодалаган депрессия 28 (87,5%, ўрта даражада ифодалаган депрессия 21 (65,6%) ва яққол даражада ифодалаган депрессия 13 (40,6%) bemорда кузатилиб, умумий олган bemорлар орасидан мос равища 16 (25,8%), 19 (30,6%) ва 12 (19,4)% ни ташкил қилди.

2-жадвал

COVID-19 ўтказган bemорларда депрессив ҳолат ифодаланиш оғирлиги

Депрессия оғирлигининг ифодалаганлиги	Сони	%
Енгил даражада ифодалаган депрессия	21	65,6
Ўрта даражада ифодалаган депрессия	28	87,5
Яққол даражада ифодалаган депрессия	13	40,6

Беморларнинг яшаш сифатини баҳолаганимизда соматик ўзгаришларнинг инсон руҳий фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ва яшаш сифатининг қайси меъзонлари пасайишига олиб келиши таҳлил қилинди. Беморларда

жисмоний ва ҳиссий ҳолатига боғлиқ бошқариш фаолияти шкаласи, ижтимоий фаолият шкаласи, ҳаётий фаоллик шкаласи ва руҳий соғломлик шкаласи каби яшаш сифати меъзонларидан паст кўрсаткичлар кузатилди.

3-жадвал

COVID-19 ўтказган беморларда Яшаш сифатини кўрсаткичлари

Яшаш сифати меъзонлари	Даволаш бошлаган кунда	Даволашнинг 30 кунида
Соғлиғининг умумий ҳолати шкаласи	$58,7 \pm 2,3$	$67,4 \pm 4,6^*$
Жисмоний фаоллик шкаласи	$60,9 \pm 3,9$	$62,1 \pm 3,8$
Жисмоний ҳолатга боғлиқ бошқариш фаолияти шкаласи	$58,9 \pm 2,7$	$65,6 \pm 3,6$
Ҳиссий ҳолатига боғлиқ бошқариш фаолияти шкаласи	$54,3 \pm 2,4$	$79,2 \pm 4,8^*$
Ижтимоий фаолият шкаласи	$58,1 \pm 3,2$	$63,2 \pm 3,7$
Оғриқ шкаласи	$66,7 \pm 3,1$	$76,8 \pm 4,5^*$
Ҳаётий фаоллик шкаласи	$56,6 \pm 2,9$	$64,5 \pm 3,5$
Руҳий соғломлик шкаласи	$49,5 \pm 2,8$	$56,3 \pm 4,4$

Изоҳ: Даволашни бошлаган даврдан нисбатан фарқланиш ишончли: * - $P < 0,05$

Ўтказилган даво чораларининг 30-кунида беморлардаги яшаш сифати меъзонлари баҳолангандага соғлиғининг умумий ҳолати шкаласи, ҳиссий ҳолатига боғлиқ бошқариш фаолияти шкаласи ва оғриқ шкаласининг статистик ишончли даражада яхшиланиши кузатилди. Жисмоний ҳолатига боғлиқ бошқариш фаолияти шкаласи, ижтимоий фаолият шкаласи, ҳаётий фаоллик шкаласи ва руҳий соғломлик шкаласи каби яшаш сифати кўрсаткичларининг яхшиланишида статистик ишончлилик кузатилди. Кайфият бузилиши ва

таъсирчанлик ҳолати нисбатан асабий, невротик, психастеник шахсларда кузатилиб, когнитив фаолиятдаги ўзгаришларга ҳам сабаб бўлди.

Беморларнинг когнитив фаолиятини баҳолаганимизда хотиранинг пасайганлиги, диққатнинг тарқоқлиги ва айрим bemorlararda anglash фаолиятининг сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди. Депрессив ҳолат соматик ўзгаришларнинг оғирлиги билан боғлиқ равишда намоён бўлди.

4-жадвал

COVID-19 ўтказган bemorlararda депрессив ҳолат ва хавотирнинг ифодаланиши

Депрессиянинг ифодаланганлиги	Даволаш бошлаган кунда	Даволашнинг 20 кунида
Гамильтон шкаласи	$23,5 \pm 3,8$	$15,6 \pm 2,6$
Дж.Тейлор бўйича хавотирланиш	$28,9 \pm 5,4$	$18,4 \pm 3,4$

Депрессив ҳолатнинг намоён бўлиш даражаси янги авлод антидепрессантлари яъни серотонинни қайта сўрилишини блокловчи воситалар билан даволашнинг биринчи кунларида юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Даволаш чораларини 10 кунидан сўнг кайфиятнинг кўтарилиши, фикрлаш жараёнининг фаоллашиши ва ҳаракат тезлашиши кузатилди. Ноотроплар тавсия этилган bemorlar кундалик ишлар билан шуғулланишга имкон топиб, ўз вақтини сарфласа, улар кунини мазмунли ўтганини айтишди. Хавотирланиш даражаси, қўрқув ҳисси, уйқусизлик, соғлигидан кўп қайғуриш ва тормозланганлик ҳолатлари ҳам ишончли даражада пасайиб bemorlarнинг яшаш сифати кўрсаткичлари яхшиланди.

Хуносаси.

COVID-19 ўтказган bemorlarда неврозсимон бузилишлар касалликнинг бошланишидан намоён бўлиб, унинг ифодаланиши соматик ҳолатга ва шахснинг характерологик хусусиятларига пропорционал равишда боғлиқ бўлади. Когнитив фаолият бузилиши, хавотирланиш кузатилиши ва депрессия

беморларнинг яшаш сифати кўрсаткичларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Неврозсимон бузилишларни даволашда ноотроплар, антидепрессив воситалар ва анксиолитикларни ўз вақтида тавсия этилиши bemорларни ҳолатини қисқа муддатларда яхшиланишига олиб келиб, соматик ҳолатнинг барқарорлашувига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акарачкова Е.С., Котова О.В., Кадырова Л.Р. Пандемия COVID-19. Стress-связанные последствия: Учебное пособие для врачей. М., 2020. 31.
2. Мосолов С.Н. Проблемы психического здоровья в условиях пандемии COVID-19. Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. 2020; 120 (5):7-15.
3. Островский Д.И., Иванова Т.И. Влияние новой коронавирусной инфекции COVID-19 на психическое здоровье человека (Обзор литературы). Омский психиатрический журнал. 2020; 2-1 (24): 4-10.
4. Прокопович Г.А., Владыкина Т.В., Сивашова М.С., Зуева О.Н. Опыт работы психиатрической и психотерапевтической служб инфекционного стационара в условиях пандемии COVID-19. Обозрение психиатрии и медицинской психологии им. В.М. Бехтерева. 2021;1:67-76
5. Asmundson G.J.G., Taylor S. Coronaphobia: fear and the 2019-nCoV outbreak. J. Anxiety Disord. 2020; 70: 102-106.
6. Bailer J., Kerstner T. Health anxiety and hypochondriasis in the light of DSM-5. Anxiety, Stress, and Coping. 2016; 29 (2): 219–239.
7. Bohlken J , Schomig F, Lemke M, Pumberger M, Riedel-Heller S. COVID-19 Pandemic: Stress Experience of Healthcare Workers — A Short Current Review. Psychiatr Prax. 2020; 47(4):190-197.

8. Brown R.J., Skelly N., Chew-Graham C.A. Online health research and health anxiety: A systematic review and conceptual integration. *Clinical Psychology: Science and Practice.* 2019; 9 (2): 85.
9. Covid-19 Psychological Research Consortium (C19PRC). Initial Research Findings on Covid-19 and Mental Health in the UK. University of Sheffield, Ulster University 03/2020.
10. Frank A, Fatke B, Frank W, Forstl H, Holzle P. Depression, dependence and prices of the COVID-19-Crisis. *Brain Behav Immun.* 2020; 87:99.